

СУВ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Р.А. Мамутов - Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари
Ш.З. Қўчқоров - Сув хўжалиги вазирлиги Сувдан фойдаланиш
ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи
Т.З. Султанов - т.ф.д., доцент
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Бугунги кунга келиб сув ресурсларини рационал бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш дунёдаги аксарият минтақалар ва мамлакатларнинг барқарор иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи масалалардан бирига айланди. Сув ресурсларига бўлган талаб ортаётганлиги билан бирга, сувнинг тақчиллиги ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларининг тақчиллиги йил сайин кучайиб бормоқда. Бундай шароитда мавжуд сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш энг долзарб вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда бугунги кунда сувдан самарали фойдаланиш билан бир қаторда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, 2018 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тақдирларига асосан 15 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 12 минг гектар майдонда эгата плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 36,3 минг гектар майдонда ўқариклар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланган ва ҳозирда бу борадаги ижобий ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу йилда сув хўжалиги бўйича ҳолатнинг жиддийлигини эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 2 февралдаги “2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 74-сонли қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда мазкур қарорда вазирликка тегишли топшириқларнинг ижросини таъминлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

- баҳор ойларида барча сув омборларининг сувидан фойдаланиш бўйича қатъий назорат ўрнатилди, дарё ва сойлардан келаётган барча сув ресурслари омборларга тўплаш учун йўналтирилди;

- омборлардаги сув ресурсларидан фойдаланиш тўлиқ назоратга олинди, омборлардан сув чиқаришни қатъий равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг аниқ ҳисоб-китобларга асосланган буюртманомалари бўйича амалга оширилиши йўлга қўйилди;

- суғоришга ажратилган чекланган сув миқдори (лимит) ҳар бир суғориш тармоғи, сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари бўйича тақсимлаб чиқилди ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича шартнома-

лар расмийлаштирилди. Сув лимитларига риоя қилиниши юзасидан республика сув инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан қатъий назорат ишлари олиб борилмоқда;

- сув олиш лимитларига мувофиқ насос станциялари ва қудуқларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш жадваллари ишлаб чиқилиб, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти билан келишилган ҳолда тасдиқланди.

Шу билан бирга, томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа технологияларни жорий этиш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссиясининг 2018 йил 5 мартдаги йиғилиш баёни билан 2018 йилда қишлоқ хўжалик экинларини томчилатиб суғориш ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, амалиётга татбиқ этилди.

Қарорнинг 13-бандига асосан вазирлик томонидан 2018 йилда кўчма эгилувчан қувурлар комплектини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган полиэтилен грануласи миқдори “Жиззахпластмасса” АЖ билан бирга қўшма ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоб-китобларга асосан 2018 йилда харид қилиниши режалаштирилган қувурларни ишлаб чиқиш учун жами 1404 тонна гранула Иқтисодиёт вазирлиги ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан имтиёзли нархларда ажратилди.

Қарорда белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш ҳамда сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида қишлоқ ва баҳор ойларида сув хўжалиги ташкилотлари томонидан каналларни тозалаш ишларига 404 та экскаватор, гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва ариқларни қўлда тозалаш ишларига 25 мингдан ортиқ сув хўжалиги ходимлари ва фермерлар ишчилари жалб қилиниб, 4 минг 548 км ирригация тармоқлари тозаланди,



5 минг 64 дона гидротехник иншоотлар, 4 минг 807 дона гидропостлар таъмирланди ҳамда СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 10 минг 135 км суғориш тармоқлари механизм ёрдамида ва 50 минг 627 км қисми қўл кучи ёрдамида тозаланди.

Ушбу тадбирлар вазирлик томонидан жойларга юборилган ишчи гуруҳлари томонидан танқидий ўрганиб, йўл қўйилган камчиликлар танқидий муҳокама қилиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 май куни қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор мажлисида берилган топшириқлари ҳамда “Йўл харитаси”га асосан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 май куни қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор мажлисида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида республика бўйича 1 млн. 845 минг гектар ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун талаб этиладиган сув миқдорлари аниқланиб, фермер хўжаликлари кесимида етказиладиган сув миқдори, 60 кунга режалаштирилган график Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиқлари томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқилди:

- мазкур графиклар ҳар бир туман ҳамда вилоят халқ депутатлари сессияларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари иштирокида кўриб чиқилди ҳамда тасдиқланиши таъминланди;

- жойларда 24 соат давомида сув етказиб берилишини таъминлашга қатъий амал қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатиш юзасидан республика бўйича жами 1155 та суғориш штаблари ташкил этилди;

- штабларда кунлик олинган сув, суғорилган майдонлар, чанқаган майдонлар ва аниқланган камчиликлар муҳокама қилиб борилиши, шунингдек кейинги кунларга талаб этиладиган сув миқдори бўйича таклифлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

Берилган топшириқдан келиб чиқиб, бугунги кунда ҳар бешта фермер хўжалигига бир нафардан сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари бириктирилган. Республика бўйича 3161 та суғориш отрядлари ташкил этилди. 2018 йил суғориш мавсумида пахта майдонларида суғориш ишларини тизимли равишда ташкил этилишини таъминлаш мақсадида, сув хўжалиги ташкилотларидан 10814 нафар, Сув истеъмолчилари уюшмаларидан 4312 нафар ва фермер хўжаликларидан 194 мингдан ошiq сувчилар жалб этилди. Шу билан бирга, сув танқис бўлган ҳудудларда сув таъминотини яхшилаш мақсадида кўчма дизель насосларни харид қилиниши ҳамда сувни тежайдиган технологияларнинг доимий қўлланилишини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Фермер хўжаликлариغا бириктирилган сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари томонидан фермер хўжаликларининг сув етиб бориши қийин бўлган майдонлари аниқланиб, ушбу ерларни суғориш бўйича биринчи навбатда, муҳим экин турларига сув бериш графиклари ишлаб чиқилди ва шу асосда сув билан таъминланди. Суғориш тармоқлари бўйича жойларда навбатлаб суғориш графикларига асосан сув етказиб берилиши, бунда сув беришни суғориш тармоғининг энг қуйи қисмида жойлашган фермер хўжаликларидан бошлаш қатъий тизим асосида ташкил этилди.



Суғоришни тунги вақтларда ўтказиш муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, тунги суғориш ишларини ташкил этишга ҳамда сувни кечаси қаровсиз қолдирилишига йўл қўймаслик бўйича барча чоралар кўрилди.

Бундай қилинган ишларга қарамай экин майдонларини суғориш вақтида фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари томонидан бир қатор эътиборсизлик, хато ва камчиликларга йўл қўйилганлик ҳолатлари ҳам кузатилди. Масалан, жорий йилнинг бошидан шу кунга қадар 2354 та камчиликлар аниқланган. Жумладан, 785 та ҳолатда майдонларнинг айрим қисмларида кўллатиб суғорилганлик, 398 та ҳолатда сув коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйилганлиги, шунингдек, 1171 та ҳолатда сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланиб, жами 6 млн. 136 минг метр куб сув ноқонуний истеъмол қилинганлиги аниқланган. Ушбу аниқланган қоидабузарликларни содир этганлар учун 1610 та жавобгарларга нисбатан 335 млн. 64 минг сўмлик маъмурий жарима ҳамда 218 та жавобгарга 103 млн. 860 минг сўмлик иқтисодий жарима санкциялари қўлланилди.

2018 йилда жорий қилиниши режалаштирилган сув тежовчи технологиялар, жумладан, 15 минг гектарда томчилатиб суғориш, 36 минг 350 гектарда кўчма эгилувчан қувурлар (1818 комплект), 12 минг гектар майдонда қора плёнка тўшаб суғориш ишларини ташкил қилиш бўйича барча чоралар кўрилди. Шу кунга қадар, фермер хўжаликлари томонидан сувни тежашга мўлжалланган эгилувчан қувурларни лизинг асосида харид қилиш бўйича 3 млрд. 823 млн. сўм бўнак маблағлари тўлаб берилган. Жорий йилнинг августига қадар 2632 комплект эгилувчан қувурлар жамланмаси жойларга етказилиб, фермер хўжаликлари тарқатилди. Жумладан, ғўза майдонларини замонавий сувни тежовчи технологиялар асосида суғоришни ташкил этиш мақсадида фермер хўжаликлари томонидан Қашқадарё вилоятида 450 та, Самарқанд вилоятида 372 та, Бухоро вилоятида 127 та, Навоий вилоятида 176 та кўчма эгилувчан қувурлар комплекти жойларга етказилиб, суғориш ишларида фойдаланиб келинмоқда.

Бугунги кунда кўчма эгилувчан қувурлар орқали 210 минг 655 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги экин майдонлари суғорилди. Шундан 159 минг 189 гектари пахта майдонларига тўғри келмоқда. Ушбу эгилувчан қувурлар ёрдамида суғоришни назоратга олиш мақсадида жойларга етказиб берилган ҳар бир эгилувчан қувур комплектига масъул этиб сув хўжалиги ходимлари бириктирилган.

Шунингдек, ғўза майдонларига фақат шарбат билан суғоришни ташкил этиш, шарбат усулида суғориш ҳамда кўндаланг ўқариқлар орасини 50–60 метр қилиб

олишда сув ресурслари тежалиши ва унинг афзалликларни тушинтириш мақсадида туманларда, ҳудудларда фермерлар учун ўқув-амалий кўргазмалар семинарлар Сув хўжалиги вазирлиги, Олий Мажлис депутатлари, мутахассислар ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари иштирокида ўтказилди.

Республикамизнинг сув танқис бўладиган ҳудудларидаги экин майдонларига каналлардан ва коллектор-дренаж тармоқларидан қўшимча сув олиш мақсадида 1038 дона кўчма дизель насос агрегатлари сотиб олинди. Шу билан бирга, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қўшимча 706 дона насос агрегатлари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 300 дона, Сурхондарё вилоятида 125 дона, Самарқанд вилоятида 201 дона, Навоий вилоятида 60 дона насос агрегатлари сотиб олиниб, ишга туширилди.

Сотиб олинган дизель насос агрегатларини тўлиқ ишлатилишини таъминлаш бўйича кунлик мониторинг юритилиши йўлга қўйилди. 798 дона кўчма дизель насос агрегатлари орқали 1 суткада 4 минг 560 гектар экин майдонларини суғорилиши ташкил этилиб, мавсумда ушбу агрегатлар орқали 62 минг гектар пахта-ғалла ва бошқа экин майдонларини суғоришга эришилди.

Жорий йилнинг суғориш мавсумини муваффақиятли ўтказиш бўйича Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим

ташкilotлари томонидан барча зарур чоралар кўрилиб, ходимлар томонидан суғориш ишларини 24 соатлик назорати ўрнатилди. Мавжуд сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланилишини таъминланиши бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда кузатилаётган сув танқислигини шароитида республикамиздаги бир қатор сув омборларида сувнинг ҳажмини сақлаб қолиш, имкон қадар қўшимча сув захирасини йиғиш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тўполонг сув омборига вегетация мавсуми бошидан шу кунгача 261 млн.м³, Жанубий Сурхон сув омборига 276 млн.м³, Андижон сув омборига 355,6 млн.м³, Тўдакўл сув омборига 756 млн.м³, Қуйимозор сув омборига 43 млн.м³ ҳамда Косонсой сув омборига 11,6 млн.м³ ҳажмдаги суғориш ишларидан орттирилган сув захиралари йиғилди. Зарафшон дарёсида вегетация даврида сув танқислиги юзага келганлиги туфайли апрель, май ойларида Каттакўрғон сув омборининг ҳажми кескин тушганига қарамасдан июнь-июль ойлари мобайнида мазкур сув омборига қўшимча равишда 86,2 млн.м³ сув йиғишга эришилди.

Сув тақчиллиги шароитида республика бўйича жами 2 млрд.м³ га яқин сув ҳажмини жамғаришга эришилди. Бу вегетация мавсумини қолган даврида пахта ва бошқа экин майдонларини суғориш учун режалаштирилган.